

## ҲИРОТ МАЛИКАСИ

Ахмедова Дилдора Эркинжон кизи

Жиззах давлат педагогика университети тарих факультети талабаси

### Аннотация:

Мусулмон оламида талым давомийлиги бир неча йиллар давом этган. Толиби илмлар ичида истеъдоди, билим савияси билан машҳур бўлганларни нуфузли кишилар, давлат мансабдорлари ёки ҳукмдорлар томонидан уларнинг самарали ижод қилиши учун шароит яратиб берилган. Мисол учун, Гавҳоршод бегим шундай темурий маликалардан бири эди. Малика маърифатли, оқила, кучли сиёсатчи, доно аёллардан бўлган.

**Калит сўзлар:** Шохрух Мирзо, малика, муҳр, Эрмитаж музейи, оқ мармар, испан элчиси.

### Annotation:

In the Muslim world, the duration of talim lasted several years. People who are famous for their talent and level of knowledge in academic sciences are created conditions for effective creation by influential persons, state officials or officials. For example, Gavhorshad Beg was one of those Timurid princesses. Malika was one of the enlightened, intelligent, strong politicians and wise women.

**Key words:** Shahrukh Mirza, queen, seal, Hermitage Museum, white marble, Spanish ambassador.

Темурийлар даври тарихига назар ташлар эканмиз, ҳукмдорлар билан бир қаторда маликалар орасида ҳам истеъдодли сиёсатчи, олима, шоиралар чиққанини кўришимиз мумкин. Мисол учун испан элчиси Клавихо темурийлар саройида бўлганида элчиларни кутиб олиш жараёнида, йиғилишларда ҳам маликалар қатнашгани, ҳукмдор ишларини кузатганлари хақида ўз эсталикларида эслаб ўтган. Мирзо Улуғбекнинг волидаси Гавҳаршод бегим ҳам илм-фан, маданият ва санъат хомийси, беназир малика бўлган. Шунингдек, у Хирот маликаси сифатида эътироф этилиб, узбек ва афғон халқларининг тарихида алоҳида аҳамият касб этган[[www. Wikipedia.uz](http://www.Wikipedia.uz)



internet sayti. Темурий малика Гавхаршод бегимга багишланган Халқаро илмий симпозиумдан парча].

Гавхаршод бегим келиб чиқиши чиғатой зодагонларига бориб тақалалувчи Гиёсиддин Тархоннинг қизи бўлган. Нақл қилинишича, Гиёсиддин Тархоннинг бобокалони Қушлик Чингизхон мулозимларидан бири бўлиб, уни жангларнинг бирида ўлимдан қутқатиб қолади. Шундан сўнг, Қушликка бўлган хурматлари яна бир поғонага кўтарилади. Кейинги даврларда ҳам Чиғатой улусида бу авлод юксак хурмат ва эътиборга сазовор бўлган. Гавхаршод бегим чиғатой зодагонлари оиласида 1379-йилда дунёга келган. Юксак дид-фаросатли, оқила, суҳандон, қатъиятли ва хусн бобида беназир бўлган малика хақида ён атрофга ҳам хабар тарқалган эди. Амир Темур туртинчи ўғли Шохрух Мирзога бу маликани олиб беради. 1393-йили Боғи-Бихиштда шахзода Шохрух Мирзо ва Гавхаршод бегимнинг тўйи бўлиб ўтади. Бу хақида Шарафиддин Алияздий "Зафарнома" асарида ҳам тўхталиб ўтади. Амир Темур темурийлар хонадонининг янги азосига тўёна сифатида тилла сирға совға қилган [Файзиев Т . 1994. 10-11 б.].

Гавхаршод бегим уч ўғил ва икки қиз фарзандни дунёга келтирган. Ўғиллари: Мирзо Улуғбек кўрагон, Бойсунғур Мирзо ва Мухаммад Жуки Мирзолар. Уларнинг таълим тарбиясига эътиборли бўлиб, диний, дунёвий билимларни эгаллашларига кўмаклашган. Кейинчалик ҳам набиралар тарбиясида фаол катнашган. Айтишларича, Шохрух Мирзо шеърятни жуда яхши кўрган. Маликага атаб шеър ёзиб, уни ўқиб берар, малика эса шеърларга уз муносабатини билдирарди. Айрим пайтлари эса ўзи ҳам бу шеърларга жавоб сатрларни битиб, шарқ шеърятининг нозик услубларида ёзилган шеърларди ўқишни ёқтирган [Файзиев Т . 1994. 12 б.]. Шохрух Мирзо унга атаб Хиротда оқ мрамрдан уч ошёнлик қаср бунёд эттириб, ушбу қаср атрофида улкан ва мухташам боғ борпо эттиради. Унга Ойдинбоғ-Боғи-Сафед деб ном беради. Бу боғда улар шеърхонлик билан шуғулланишган.

Бунёдкорлик ишлари қанча кўп бўлса, мамлакат ҳам шунча ривожланади. Бу даврда Хиротда ва бошқа вилоятларида қурилиш ишлари авж олган эди. Масжид-мадрасалар, хонақоҳ, мақбара, даҳма, мусофирхона, шифохона, равоат, кўнрик ва сардобалар қуриб битказилди. Гавхаршодбегим Хиротдаги жуда кўп қурилиш ишларига раҳномалик қилган бўлиб, ўзи маблағидан Хиротда иккита катта мадраса қурдирган [Кодиров П. 2001. 70б.]



Шохрух Мирзо Хуросон бошқарув ишларида бевосита маликанинг кўмагидан фойдаланган булиб, девон ва салтанат ишларида катнашган. Шохрух Мирзо давлат ишларидан кўра илм-фан, дунёвий билимларни эгаллашга кўп вақт сарфлайди. Шунингдек, уруш пайтлари Гавхаршод бегимга девон ишларини бошқариш, инъом бериш, айбдорларни жазолаш ҳуқуқини берган. Малика шахсий муҳрга эга бўлиб, муҳр туқ яшил мохтобдан (нефритдан) бодомсимон шаклда ясалган, сиртига сулс ёзувида арабча хат билан “Гавхаршод бегим Гиёсиддин қизи” деб ёзилган (Сулс араб ёзувидаги хат услубларидан бири бўлиб, унинг ижодкори ибн Муқта). Муҳр тахминан 1450-йилларда ишланган. Тош ўймакорлигининг гўзал намунаси бизнинг давримизгача этиб келган. Бу ноёб ёдгарлик сифатида Санг-Петербургдаги Эрмитаж музейида СА-13650 рақами остида сақланмоқда [Турсунова М. 2001. 29 б].

Гавхаршод бегим кўп сохаларда: маданият, сиёсат, иқтисодда кўплаб ишларни амалга оширган. Турли сохалар бўйича китоблар ёзилиши, янги ижодкорларни ижод қилишини қўллаб қувватлайди. Асосий вақтини сиёсатга бағишлаган бўлсада, мадраса, мақбара, масжид ва бошқа иншоотлари ҳам бунёд эттирган. Бу мадрасаларда илм аҳли учун ҳамма шароитни яратиб берган. Улар орасида Алишер Навоийни ҳам кўришимиз мумкин. Алишер Навоий ҳаёти давомида кўп қийинчиликларни кўрган бўлсада, малика билан суҳбат қуриш бахтига эришган. "Вақфия" асарида маликани Сулаймон пайғамбарнинг афсонавий аёли Билқис ўхшатади, у ҳақида ижобий фикрларни ёзади.

Абдурахмон Жомий маликани ўз даврида кўплаб иншоотлар қурдирганлиги, марифатли, оқилалигини баён этган.

“Онамнинг исм-ю кузларигина гавхар эмас, балки ақли ҳам Гавхар эди”- дейди шахзода Мирзо Улуғбек ўз эсталикларида[“Onamning ism-u ko'zigina gavhar emas, balki... ” <https://zarnews.uz>]. Шунингдек, сиёсий воқеаларда ҳам фаол қатнашиб, фарзандларига юл-йуриқ кўрсатиб турган.

Шох ва шоир Захириддин Мухаммад Бобур “Бобурнома” асарида “Гавхаршод бегим аҳли фазл ва беназир Хуросон маликаси, хар кимни буш қуймас, илм олишга даъват қилади” - дея таърифлайди.

Хулосам шундан иборатки, Гавхаршод бегим умрининг кўп қисмини Хуросон пойтахти Хиротта ўтказиб, маданият, сиёсатда фаол қатнашиб, Шохрух Мирзога давлат ишларида кўмаклашган. Бугунги ўзбек ва тожик халқлари



шаклланиш тарихида маълум бир маънода маликанинг хизмати бор. Хирот маликаси дейилишига ҳам, балки шу сабабдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Файзийев Тургун “Темурий маликалар”. Тошкент .1994.
2. Қодиров Пиримкул “Амир Темур сиймоси”. Тошкент. 2014.
3. Қодиров Пиримкул “Она Лочин сиймоси”. Тошкент. 2001.
4. Турсунова Махкамой “Мадраса барпо этган маликалар”. Тошкент. 2001.
5. “Onamning ism-u ko’zigina gavhar emas, balki...” <https://zarnews.uz> internet sayti
6. [www. Wikipedia. Uz](http://www.Wikipedia.Uz) internet sayti

